

Россияда «Путь» ислом телеканалли ишга туширилади



11:00 / 12.10.2018 3740

Чеченистоннинг биринчи президенти Аҳмат Қодиров номидаги «Путь» ислом телеканалли ўз кўрсатувларини Россия бўйлаб эфирга узатиш учун лицензия олди.

Бу ҳақда Чеченистон Республикаси раҳбари Рамзан Қодиров «ВКонтакте» ижтимоий тармоғидаги ўз саҳифасида маълум қилди.

Унинг айтишича, «Путь» ислом телеканалли бундай лицензияга эга бўлган ягона минтақавий телеканал ҳисобланади.

Кун кеча ушбу воқеага бағишланган тантанали тадбир Грознийдаги давлат театр-концерт залида ўтказилди.

ИА IslamNews хабарига кўра, телеканални дунёда таниқли диний арбоб Адам Шахидов бошқаради.

“У тугайли ёшларимиз ислом ҳақидаги билимларини ўрганишга, уларни янада мустаҳкамлаш имкониятига эга бўлишга, бу уларни диний-экстремистик ғоялар таъсиридан асрашга хизмат қилади”, – деб ёзган Чеченистон раҳбари, ижтимоий тармоқдаги ўз саҳифасида.

Islom.uz портали таҳририяти